



25

140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, 2. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «13» январь

№ 64-г

Иштихон ш.-г. Иштыхан

Тумандаги "ISHTIXON MEVA EXPORT"
масъулияти чекланган жамиятига бино-
иншоотлари қурилиши учун ер майдони
ажратиш тўғрисида

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 31 декабрдаги 03/3-705-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 декабрдаги ЭДО-03/1-143-сонли Республикада узум етиштирувчи фермер хўжаликларини бирлаштириш, токзорлар самарадорлигини ошириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш, экспорт ва қайта ишлаш шажмларини кўпайтириш учун узумчиликка ихтисослашган агрофирмаларни ташкил этиш тўғрисида"ги йиғилиш баёни ижроси ҳақида"ги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида туманда ташкил этилган "ISHTIXON MEVA EXPORT" масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 22 январдаги 6-сонли "Ишлаб чиқариш, қадоклаш цехлари, омборхона ҳамда агрофирма идораси биноларини қуриш учун Митан шаҳарчаси Завод кўчаси худудидан ер майдони ажратиш бериш ҳақида"ги хатини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 31 декабрдаги 03/3-705-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 декабрдаги ЭДО-03/1-143-сонли Республикада узум етиштирувчи фермер хўжаликларини бирлаштириш, токзорлар самарадорлигини ошириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш, экспорт ва қайта ишлаш шажмларини кўпайтириш учун узумчиликка ихтисослашган агрофирмаларни ташкил этиш тўғрисида"ги йиғилиш баёни ижроси ҳақида"ги йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. "ISHTIXON MEVA EXPORT" МЧЖга Иштихон туман Митан шаҳарчаси Завод кўчасида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган, Митан шаҳарчаси бош режасига кўра қурилиши режалаштирилган саноат зонаси худудидан 6910,0 (0,69 гектар) ер майдони ишлаб чиқариш, қадоклаш цехлари, омборхона ҳамда агрофирма идораси биноларини қуриш учун ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. "ISHTIXON MEVA EXPORT" МЧЖ (Э.Холмаматов)га ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда ушбу қурилган бинони фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида агрофирма бино-иншоотлари қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов

Ш.Негматов